

Жадид

2025-yil 20-iyun
№ 25(77)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

адабиј, илмиј-ма’рифий ва ижтимоиј газета



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz

ШОИРУ ШЕЬРУ ШУУР

“Э ВОХ”: ҲАСРАТ ЭМАС, ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС

Адабиёт ва санъат тадбирлари иштироқчиларини давлат раҳбари табриклиши дунё тажрибасида камдан-кам кузатилиди. Ана шундай ноёб кутловлардан бирин ўтган йили 23 майда илк бор ташкил этилган Эркин Воҳидов ижодига бағишинланган адабий фестивали катнашчиларига йўлланган эди. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Ўйлайманки, бу мўтабар зотни ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Улкан шоир ва драматург, моҳир таржимон ва ўтири публицист, таникли жамоат арбоби сифатида Эркин Воҳидовнинг асарлари миллий адабиётимизнинг “олтин фондидан, юртимиз ва чет эллардаги минг-минглаб адабиёт муҳлисларининг қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин олган билан ҳар қанча турурлансанак, арзиди... Биз ушбу адабий фестивални ҳар йили анъанавий тарзида ўтказиш таклифини кўллаб-кувватлаймиз”.

Бу қадар олий эътиборнинг боиси аён. Эркин Воҳидов умр бўйи халқга қайишиб яшади, унинг дардини юрагидан ўтказди, ютукларидан сарафroz бўлди. “Ёшлик” журнали қошида талантли ижодкорларни йигиб ўзига хос мактаб яратдик, у ҳали-хануз адабиётимиз нуғузини белгилаб келмоқда. Инсон сифатиди бу қадар камтар ва олижанома шахси топиш кийин, дейишади даврадошлари. У кишининг шон-шуҳратини кўтариш учун, устоз Умарали Норматов лутф этгандек, “туртта оқ филинг гардана керак”. Ўзбегим деб кенг жаҳонга довруғ соглан миллапттарвар сўз зарарги, табиийки, миллий озодлик йўлидаги курашнинг ҳам байроқдорларидан бирди эди. Ўзбек тилининг мақеъ учун, истиқлолга эришган мамлакатнинг толеи йўлида ором



билим меҳнат ва заҳмат чекдики, бу эзгу хизматларни асло унугиб бўлмагай. Шу сабабдан Эркин Воҳидов халқимизнинг қалб аргодигидаги ноёб феноменларидан биридир.

Президентимизнинг рағбати ва эътибори маҳсулӣ ўларок жорий йилинг 18 июно куни Бўстонлиқ туманидаги сўлим дам олиш масаканида “Uzreport TV” телеканали, Ўзбекистон Ёзувлар уюшмаси, Тошкент вилоятини юқимилиги, “Туронбан” ҳамкорлигига иккинчи бор ижодий фестивали ташкил этилди.

Тадбирда жамоат арбоблари, санъат вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ихлюсмандлари, ёш ижодкорлар ҳамда Эркин Воҳидовнинг оила аъзолари иштирок этди.

Анъанавийлик каас этаётган ижод байрами учун Бўстонлиқ тумани танлангани ҳам бежиз эмас. Қаҳрамон шоиримиз “Таборик” шеърида ушбу шудудни эъ-

зозлаб шундай таърифлаганди:

Фазалим бешиги
сулув Фазалкент,
Байтларим сочилиган
Байтиқўргонсан.

Фестиваль доирасида яна бир хайрли ишга кўйлурган, оромгоҳ ҳудудида Эркин Воҳидов бори барпо этилиб, шоир ҳайкали очилди.

Иштироқчилар шоирнинг “Юртдошим, боғингта бир ниҳол қада, Бу ниҳол номини Яҳшилик ата” деган даъватига “лаббай” деб, “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатига ўз хиссаларини қўшарақ манзарали кўчатлар ўтказиши.

Жараённи кузатар эканмиз, умр ҳам боқса ўшаши, фарзандлар ундаги ниҳоллар, гуллар бўлиб бўй чўзиши ҳаёлимиздан ўтди. Фарзанди аржуманд Ҳуршид Воҳидовнинг ҳаёти ва фаолияти,

отаси хотирасига кўрсатаётган ҳурматидан аён бўладики, халқ шоир фақат адабиёт бўстонида эмас, оиласа ҳам муносиб боғбонлик қила олган.

Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз адабиётшунос олим Иброни Фафуров, Ўзбекистон Ёзувлар уюшмаси раиси, сенатор, халқ шоир Сироқиддин Сайид, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти мудири Нодир Жонузук, Бўстонлиқ туманинини Ҳуршид Воҳидов, “Uzreport TV” телеканалини раҳбари Равшан Жўруаев устоз ижодор Эркин Воҳидов ижодининг тақорламас жиҳатлари хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

(Давоми 8-саҳифада).>

БОҚИЙ МЕРОС



МАҲМУДХЎЖА
БЕҲБУДИЙ

Сироқиддин Аҳмад

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

БАЛХГАЧА БОРАЁТГАН БАЛХИ ТУТЛАР

– Кўпчилик бир юмушни бошлаш олдидан ундан манфаат кутади. Аммо шундай инсонлар ҳам учрайдики, уларнинг қилилган хайрли ишларини кўриб, булар бошқа дунёдан келиб қолган ўзгача одамлармикан деб ўйлаб қоласан, – деди тележурналист Ҳамид Рафуров. – Сени ана шундай фариштади одам билан танишираман. Адабиёт, санъат десанг, ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан. У дамлаган паловни еган одам бу мазани анча йил унуполмайди.

Ҳайрон бўлдим. Ҳамид ака фақат шу фазилатлар учунгина кимгadir тан берадиганлар хилидан эмас. Кейин бислас, Бухоро туманидаги Шехонча қишлоғидаги яшовчи Ҳакимжон Асплонов ажойиб боғбон экан. Боғбон бўлгандага ҳам бошқалар учун ниҳол етказиб, уни ўзи олиб бориб ўтказар ва парваришлар, қизиги, бу учун бирордан бир чақа ҳам олмас экан. Отахон хизматларни холис бажаради. Эвазинида ҳеч нима кутмайди.

Юзидан нур ёғилиб турган нуронийни яқин дўсти – Шокир бобонинг уйидан топдик. У Республика таникли санъаткорлар ташриф буюрган давра учун маҳсус

ош дамлаётган экан. Иши тифлизигини рўяқач қилиб, ҳаммага узрини айтиётгандар ошни Ҳакимжон ошпаз тайёрлаётганини эшишиб, кетиш фикридан қайтганини кўрганимизда уй эгаси бизга кўзини кисиб қўйди: “Кулинг ўргилсин ош бўлади-да, ука!”

Бу давра тугагач, Ҳакимжон бобо Бухоро шахри марказига ўйл олди. Қурбон ҳайрати муносабати билан унинг ўғли бозорнинг олд ҳўкимини сўйиб, гўштини эҳтиёждандарга эҳсон қилаётган экан.

(Давоми 2-саҳифада).>

Tilda, fikrda, ishda birlik!

ТАҲЛИЛ

ШАМАЙГА БОРГАН

ОТАБЕК

ёки Абдулла Қодирий ва Мухтор Авезов хусусида

Қозоқ халқининг аллома адаби Мухтор Авезов нафақат миллий, балки барча туркӣ халқлар адабиёти тарихида табаррук сиймоловлардан бири саналади. Мустабид тузум даврида Мухтор оға қирғизларнинг “Манаас” эпоси ҳимоясида жасорат кўрсатганини Чингиз Айтматов билан Мухтор Шоҳонов томонидан ёзилган “Чўққида қолган овчининг охи-зори” китобидан ўқишингиз мумкин.



(Давоми 7-саҳифада).>

БУГУННИНГ ШЕЬРИ

Сироқиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоир

ВАТАН, ТО ТАНДА ЖОНИМ БОР...

Устоз Эркин Воҳидов газалига мусаддас

Яратгандан сўрорим бор: сенингдирман, сенингдирман, Яратсадидинг яна бир бор, сенингдирман, сенингдирман, Агар бир бор, ва ё минг бор – сенингдирман, сенингдирман, Тилим бор, то забоним бор, сенингдирман, сенингдирман, Ватан, то танда жоним бор, сенингдирман, сенингдирман, Таним хок ўлса ҳам сен ёр, сенингдирман, сенингдирман.

Азизу авлиёларга бешиксан, номусу орсан, Ўтар дунёйи фоний деб, ҳама ишдан хабардорсан. Азал илму ҳадис бирлан шарафларга сазоворсан, Ватан, оҳ бунчалар дилбар, Ватан, оҳ бунча дилдорсан, Жаҳон кенгdir, фалак кенгdir, юрак кенгdir, ки сен борсан, Сенингсиз иккى дунё тор, сенингдирман, сенингдирман.

Менга бегона элларда на сув роҳат, на туз роҳат, Аёзларда на ёз роҳат, ва ёзларда на муз роҳат, Менга бегона юртларда демамким ризку рӯз роҳат, Кел эй, Бойсун элинда бир, ҷалайлик ҷанқовуз – роҳат, Менга бегона элларда насиб гар ўлса юз роҳат, Чекай бағрингда минг озор, сенингдирман, сенингдирман.

Агар кўнглим навороздир, менингдирсан, менингдирсан, Навобахшу навосоздир, менингдирсан, менингдирсан, Бу не эъжозу эъзоздир, менингдирсан, менингдирсан, Севинчим селу себордир – менингдирсан, менингдирсан, Агар шодликларинг оздири, менингдирсан, менингдирсан, Магарким ғамларим бисёр, сенингдирман, сенингдирман.

Менинг жону жаҳонимсан, бу меҳрим инчунун мангу, Дала, қир, тогу сўқмоғинг менга дорулфунун мангу, Сенга кўрку ҳусн мангу, сенга фазлу фусун мангу, Ётурман лолазорингда, менга сехру жунун мангу, Бугун бор, эрта йўқ жисмим, валек руҳим учун мангу, Сенинг мангулигинг даркор, сенингдирман, сенингдирман.

Туну кун, кечаю кундуз нетар жонимда бу оташ, Мени ошуфтаю шайдо этар жонимда бу оташ, Бу оташдин гумон этма, этар жонимда бу оташ, Мени олам элига эл этар жонимда бу оташ, Сенинг ишқинг билан ёнди, кетар жонимда бу оташ, Сенингдирман, яна тақрор, сенингдирман, сенингдирман, Агар бир бор, ва ё минг бор, сенингдирман, сенингдирман.

ИЛМ ЙУЛИ

ХАСТАЛИК ГЕНОМИНИ ЎҚИГАН ОЛИМ



Табиат ероствио ерусти бойликлари билан сийлаган мамлакатлар бисёр. Бирори нефтга ўхшиш бойликлари, башқаси бепоён ўрмонлари, серҳосил дала-лари, яна бури денгизи билан машҳур. Аммо бундай имконият билан ҳамма ҳам бир хилда сийланмаган. Ҳудуди кичик, на нефти ва олтинни бор, бирорик иккиси-ди ривожланган, дунёнинг кучли ўнталигига қирадиган, ахолиси бой ва фаровон юнайдиган давлатлар ҳам мавжуд.

Хўй, улар бунга ҳандай эришиди? Фоя, билим, фикр ва интеллект эвазига! Фоя истеъододли, илми одамда бўлади. Шунинг учун, авеало, ўша “ноёб миялар”ни тарбиялашга, истеъодд үчкунни алангалишига эътибор керак. Бу ҳар йили бюджетдан илмий тадқиқотлар учун миллиардлаб маблағ сарфлаш, деганидир. Натижада янгича гояли, ўзга-ча фикрлайдиган ёш олимлар етишиб чиқади. Уларнинг янги технологиялар, ихтиро ва қашfiётлari мамлакат иктиёсоди ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.

Кейинги ўиллар юртимизда ҳам илм-фанга эътибор кучайди. Катта испо-

(Давоми 2-саҳифада).>



ТАДҚИҚ ВА ТАЛҚИН

Бошланиши 1-саҳифада.

Олим томонидан ёзилган "Махмудхўжа Беҳбудий (ҳаёти, фаолияти, вафоти)" китоби эса айни шундай гавҳарга қиёслангуден қўйматли нашрdir.

"Махмудхўжа Беҳбудий" китоби икки қисмдан иборат:

Биринчи қисмдан илмий таҳлиллар ўрин олган. Китоб мундарижасидан англаш мумкин, муаллиф аллома ҳаёти ва фаолиятининг барча нўқталарини бирлаштириб, унинг яхлит манзарасини гавдалантириб берган.

Иккинчи қисмга Беҳбудийнинг "Вақт", "Улфат", "Сироти мустаким", "Туркiston вилоятининг газети", "Тараққий", "Шуҳрат", "Тужкор", "Самарқанд" нашрларида босилтан мақолалари, мактублари киритилган. Шунингдек, илк бора адид асарларининг фиҳристи ва архив материаллари ҳамда 45 номдаги тарихий сурат жой олган.

Мазкур нашрда Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятининг ўрганилиши борасидаги янги қарашлар, фактлар, таҳлилларни кўрамиз.

"Уйғониш" бобида Беҳбудийнинг умр йўлини белгилаб берган омиллар санаб ўтилади. Ҳаж сафари, Руся саёҳати, Абдурашид қози Иброҳим, Мусо Жоруллоҳ Бегиев, Истоибек Фаспрали билан мулоқотлар, "Иттифоқи муслими" фирқасидаги фаолияти, Рижоий Акрамзода, Зиёпошо, Номиқ Камол, Абдулҳақ Ҳомид асарларидан таъсиришни, Н.С.Ликошин, А.Гескет, Н.П.Остроумов, В.Вяткин билан муносабатлар, хуллас, буларнинг барни унинг дунёқарашини чархлади, дунёга янги назар билан қарашга унади. Беҳбудийнинг жадидлик дастуридаги биринчи мақсади "Петербургнинг фотиҳасини кутмасдан" ҳар қандай масалани Туркistonнинг ўзида ҳал қилимок учун "Идорайи диния ва доҳила"ни ташкил этиш эди. Ҳар бири миллӣ ҳурлик сари бир қадам бўла олувичи ревалар айнан шу "идора" доирасида амалга оширилиши кўзланганди.

Китобдан ўрин олган "Режалаштирилган сиёсий қотилилк" сарлавҳали бобда муаллиф Беҳбудий ўлими билан боғлиқ чигалликларига ечим топган. Унда ишончни манбаларга таянилган ҳолда, "Муассислар мажлиси" томонидан "Версал сулҳу конгресси"га юборилган тарихий телеграмма матни тўлиқ эълон қилинган. Унда "Махмудхўжа Беҳбудий, Муҳаммадкули Ўринбоеев, Мардонкули Шомуҳаммедин, Сайдносир Миржалолос, Мустафо Чўқаев, Убайдулла Хўжаев Бокуда учрашиб, Истанбул–Вена орқали Парижга – "Версал сулҳи" кенгашида, сўнгра Берн шаҳрида ўтдиган мусулмонлар анжуманида иштирок этиш"лари батафсаф ёртиб берилган.

Беҳбудийнинг "Русия–Япония муҳорабаси", "Ходимул миллат муҳтарам мавлавий Абдурашид афанди ҳазратларина!", "Фарёди Туркiston", "Русия мусулмонлари раисларига баёни ҳол", "Қабристони муслими", "Асобат" рисоласи ҳақида", "Масжиди жомеъ", "Очиқ мактуб", "Туз мавсуми", "Бухоро", "Дўстликми, душманлик?" сингари янги топилган мақолалари беҳбудийшунослик учун кимматли маълумотлар беради.

Асарнинг илова қисмida Махмудхўжа Беҳбудий қаламига мансуб асарлар рўйхатида 13 дарслик, 3 илмий асари (нашр килинмаган), 4 номдаги бадий асар ва таржималар, 6 пойҳа, алоҳида мавзуларга багишланган 214 та мақола, 48 номдаги туркum мақола, 6 та форсийча мақола – жами 295 номдаги асар рўйхати ўрин олган.



Махмудхўжа Беҳбудий ўй-музейидан лаъҳа.

Китобда биз бошқа илмий асарларда учратмаган ҳолатни кўрамиз. Муаллиф Беҳбудий ҳаёти ва фаолияти манзараларини фақаттинга тарихий факт, рақамлар, илмий маълумотлар билангина очиб бериш билан чекланиб қолмасдан, балки ҳазрат Беҳбудий руҳияти, шахсияти, сийратини тасвирлаб берган.

Китоб бугунги жадидшунослигимиз учун зарур бўлган услубда ёзилган. Масалага кенг қармовда: тарих, адабиёт, сиёсат, фалсафа соҳаларидаги қарашларни бирлаштирган ҳолда муносабат билдирилган. Махмудхўжа Беҳбудий тилга олган ва учрашган тарихий шахслар ҳақида қисқача маълумотнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот учун хамиртуруш бўладиган тарзда берилган. "Махмудхўжа Беҳбудий" китоби, шубҳасиз, жадидшунослик уммонидан терилган бебаҳо дурлар шодаси бўлиб қолади.

Нодира ЭГАМҖУЛОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори,
доцент

ЗАРДА



ТОРНИНГ ЧЎМИЧДАН ФАРҚИ

(Орадан йигирма йил ўтди...)

Хурматли таҳририят! Менинг ушбу аччик-чучук битикларим бундан роса йигирма йил аввал қоғозга тушиган, китоб ҳолида чоп этилган ҳам эди. Ўшанда ушбу мақола санъатъиҳосмандлари, концерт ташкилотчилари орасида жiddий муҳокама бўлган, қўшиқ шинавандаларидан кўплаб мактублар олганман.

Орадан шунча йил ўтди. Миллӣ қўшиқчилик санъатимиз янада ривож топди, саҳналаримизда янги "юлдуз"лар пайдо бўлди. Кўп қўшиқлар ҳалқимизнинг маънавий меросига айланди. Аммо мен мақола ва ҳатларимда тилга олган кўп кусурлар сўлим гулзордаги бангидевонадек бугун ҳам янаб келаёттани баоят ажабланарлидир. Баъзи кусурлар наинки тузатилмади, аксинча, кучайиб, ривожланбид кетди. Бепарво тураверсак, аҳвол бундан ҳам ёмон бўлиши аниқ. Шу маънода бу мавзуга яна бир бор қайтиши, кўнгилни ғашлаётган муаммолардан газетамизнинг бунгунги ўйчувларини ҳам хабардор қилишни лозим топдим.

МУАЛЛИФ

Санъатда юлдуз бўлиш кимга ёқмайди дейсиз. Аммо чинакам юлдуз бўлиш бошқа, юлдузлик касалига чалиниб, уни қандай даволашни билмай юриши бошча. Ҳаётлик чогларида Комилжон Отаниёзов, Жўрухон Султонов, Мамъуржон Узоқов, Мукаррамоним Турғунбованин ҳеч ким "Санъатимизнинг порлок юлдузи", демаган. Бунга эҳтиёж ҳам бўлмаган. Чунки улар ҳаёта ҳам, саҳнада ҳам ўта оддий бўлишган, юлдузлик касалига чалинишмаган. Одамлар орасида эл қатори умргузаронлик қилишган. Юриш-туришда, кийинишида, мумомала маданиятида зарар бўлсин алоҳидалика, кибру ҳавога берилашнларини эслай олмаймиз.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Мамъуржон Узоқов, Жўрухон Султонов каби улуг устозлар, эҳ эсиз, "клип" нималигини билмай ўтиб кетишид-я...

Комилжон ҳофиз, Мамъуржон ҳофизлар пайтида телевидение, радио бу қадар ривожланмаган эди. FM каналларни улардаги сўзбозли бирорининг хоҳлига ҳам мелмаганди. Битта қўшиқ бугунгидек бир кунда йигирма-ўттиз марта эмас, ҳафта-ўн кунда бир марта эфирга кўйилган ва соригин билан тингланган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Мамъуржон Узоқов, Жўрухон Султонов каби улуг устозлар, эҳ эсиз, "клип" нималигини билмай ўтиб кетишид-я...

Комилжон ҳофиз, Мамъуржон ҳофизлар пайтида телевидение, радио бу қадар ривожланмаган эди. FM каналларни улардаги сўзбозли бирорининг хоҳлига ҳам мелмаганди. Битта қўшиқ бугунгидек бир кунда йигирма-ўттиз марта эмас, ҳафта-ўн кунда бир марта эфирга кўйилган ва соригин билан тингланган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция" килиб, пул йиғисмаган. Кўзлари тўк бўлган. Пул деган сабил қолгур кимга ёқмайди дейсиз, аммо улар бу ажадаҳоннинг маккор жозибасига учишмаган.

Улуг санъаткорлар каттоя чикикка, бойваччаю ўртаҳолга тенг муносабатлари, оддий одамларга кўпроқ эътибор беришиларда билан ҳам ном қозоништаган. Эл хизматида бўлғанларида, номуносиб хатти-харакатлар қилишмаган, иззаттабал бўлишмаган. Айтилган жойга вақтида ўзлари, тан кўриқчиларисиз "Ассалому алейкум", деб кириб бораверишган, тўй эгаларини, қариндошларни, ўтрга тўплаб, "операция



ТАҚДИМОТ

Чин шоирлар шеърга қайтади

ҚАНОТИ БОР ҚҮШИҚЛАР

Сўз шайдолари гулжамол Асқаровани таниширишнинг, ёзгандарини тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Шунданини, шоиранинг “Таслим” номли китобида сўзбоси ва тақризлардан воз кечилган. Ҳофиз қўшиғини баланд нотадан бошласа, шинавандалари авжини қандай олар экан, деб диккатини жамлайди. Шоира ҳам китоб эпиграфида “Кўлларимни қанотдек ёссан, Қаноти бор қўшиқлар ёссан...” дег яхши ният қиласди. Мутолаа давомидан миннин бўлдимки, Гулжамол опа қаноти қирқ кулоч қўшиқлар ёмиси.

Ишқ ва исендан куч олиб асов дарёдай қирғоқларни бузган Гулжамол Асқарова шеърияти кейинги ўн йилда теранлик касб этибди. Бу дарёнинг чукурлашганидан, бағрида хазиналар йигитланидан дарақ беради. Шоира ижодида тасаввувуф оҳангларининг таъсири кучагани сезилди. Бармоқ вазнидан кўра оқ шеърга мойиллиги ортгани кўринди. Шаклга кўп ҳам эътибор беравериш керак эмас, назаримда. Ахир, садаф қандай бўлмасин дур бермаса киммати оздир. “Таслим” бағри эса дуру жавоҳирларга тўла:

Айтлар, истасанг, ҳамма юрт Ватан,
Макон айлаш мумкин ҳар не чамани.
Йўқ! Мен Худойимдан сўраб олганман,
Битта пешонамга битта Ватани!

Қабригамас, бориб қўлига берсин,
Гул беринг онасин соғинганларга!

Шеърлар шоира руҳиятининг харитасига ўхшайди. Бунда яшил ва кулранг нуқталарга кўз тушади. “Таслим”нинг умумий кайфияти айтиб турибди, шоира бир неча бор тушкунликка тушиб, умидсизлик ва алам сўймоқларини кезган. Аммо бу ортда қолган. Бугун у яна катта йўлда! “Ўзингни ердан ол, Гулжамол!” дегя янги парвозга шайланмоқда. Ўкувчини ҳам Ватан ичра сафарга, Кўнгил мулки зиёратига чорламоқда.

Алқисса, юртимизда ва жаҳонда ҳар куни юзлаб, минглаб янги китоблар чоп этилади. Лекин ҳаммасини яхши деб бўлмайди. “Таслим” эса шеърият шайдолари учун яхши китоб, беназир тухфа бўлиби.

Ўқинг, яна фикрлашамиз.

Отабек ИСРОИЛОВ

АСЛИДА

Бу зархи қажрафторнинг зархи йўқдир аслида,
Неки бебаҳо бўлса, нархи йўқдир аслида.

18 минг оламнинг тарҳин топса бўлар, лек,
Кўнгил деган маконнинг тарҳи йўқдир, аслида.

Бу девона руҳимга дор излаб нетарсан, дўст?
Машраби бор руҳларнинг Балхи йўқдир аслида.

Ҳаёт ишқ билан тотли, таъм билган билар буни,
Ичсанг ишқ шаробининг талхи йўқдир аслида.

Маъно, моҳият излаб, ўзин чарчатди одам,
Худонинг Ишқдан бошқа шарҳи йўқдир аслида.

Кимки дийдор истаса, тўрт томони қибладир,
Ошиқ қўёшнинг Гарбу Шарқи йўқдир аслида.

Қолаётган одамдан ҳол сўранг, дўстлар, чунки
Кетаётган одамга фарқи йўқдир аслида.

МУҚИМИЁНА

Бир ишқ кечди, руҳинг янглиғ афсунгар,
Табассумим каби тоза, самими.

Сенинг севмай қўйганингдек муқаррар,

Менинг севми қолганимидек табий.

Бир тоф эдим, сенга қирдек туюлдим,
Кўзларингга кўроғишингдек қўйилдим.

Ва олмадек бўғзимдан жим сўйилдим,

Товонидан сўйилгандек Насими.

Ишқ риштаси жодир одам наслида,
Сенга ёмон боғландим ишқ фаслида,

Менинг бобом бўлса керак аслида,

“Ҳар ердаким умид этган Муқимиий”.*

Кетди оҳор – ўчди чехрам ранги, ёр,
Сенда эса яшил ишқнинг жангি, ёр,
Тушунаман: келганида янги ёр –
“Ёд этилмас қадрдонлар қадимий”.*

Авзойи кўп бузук экан бу чархнинг,
Бозорлари кўттармади ҳеч нархни,
Кел, жаннатга айлантиру шу дўзахни,
“Эй истиғно фирдавсининг насими”.*

* Муқимиининг “Ёдимга тушди”
ғазалидаги сатрларига ишора.

ХАЙР-ХЎШ

Кўксимнинг қафасидан учган қушим, алвидо,
Жаннатнинг айвонида кўрган тушим, алвидо,
Баҳтнинг нақдлиги ёлғон, аҳднинг нақдлиги ёлғон,
Насияга қолган эй, хайр-хўшим, алвидо.

Сен баҳорга ошиқ қуш, мен кузи келган боғман,
Ўз бошидан қум сочган, ҳазон сочган носоғман,
Каттақўргоний тоғман, Нокис бобомдек доғман,
Ранги яшилим кетиб, учди ҳушим, алвидо.

Ҳой, манзил маконсизим, қайга борсанг, яхши бор,
Ортингда бўзлаб қолган бир ғариба бахши бор,
Ёдинга тут, сен ўлган пешонамнинг нақши бор,
Маликаман, қулимга тушди ишим, алвидо.

Биз кузда айро тушдик, кузда гуноҳ борми, айт?
Севиб термулиб турган кўзда гуноҳ борми, айт?
Мен ўлдирдим бу ишни, лекин гувоҳ борми айт?
Бир ноҳуш тун тушимда тушди тишим, алвидо.

Зор эдим, висолимга ҳар дам зорлигинг учун,
Мехрибонлигинг, ҳар дам ҳамдам, ёрлигинг учун,
Бу дунё азиз эди, бир сен борлигинг учун,
Қолмади бу дунёда азиз кишим, алвидо.

Жаннатнинг айвонида кўрган тушим, алвидо.

ҚАЙТИШ

Хув қирлардан боққанча қия,
Нимжончалар бир-бирин суваб,
Адиrlарни алвонга бўяб,
Қизғалдоклар қирга қайтади.

Қарғаларнинг қўшиғи “қар-қар”,
Ҳар одамда бир руҳи гавҳар,
Шу гавҳарни асролса агар,
Сирдан келган – Сирга қайтади.

Севгиларим йўқолди, йитди,
Кувончларим дарбадар кетди,
Қўнглимга бир хушхабар ети:
Кетган бари бирга қайтади.

Эй, одамни довдиратган ғам,
Эй, кўзимни жовдиратган ғам:
Парвози энг баланд қушлар ҳам
Бир дон учун ерга қайтади.

Ким ўзини ҳар кун тергамас,
Ўша билан Худо биргамас!
Бир кун келиб, қаро ергамас,
Чин шоирлар шеърга қайтади.

Қизғалдоклар қирга қайтади.



МЕНИ КЕЧИРИНГ

Йўлчим, иўлингизга тўшалдим йўлдек,
Ҳисларим совуди, соврилди кулдек,
Нағс деган ботқокқа нилуғарғулдек
бўкиб кетган бўлсан, мени кечиринг.

Нечоғлик севганим билмайсиз, токи,
Умрингизда катта хатоман, ёки,
Ой нуридек ҳарир қўнглингиз чокин
сўкиб кетган бўлсан, мени кечиринг.

Тузата олмадим дил ҳаробини,
Орзу азобиу бахт саробини,
Сиз ичмоқчи бўлган ишқ шаробини
тўкиб кетган бўлсан, мени кечиринг.

Қўнглимни қўнглингиз – дунёга отдим,
Исмимни тақдирга, рўёга отдим.
Ўзимни багрингиз – дарёга отдим,
Чўкиб кетган бўлсан... мени кечиринг.



Гулжамол АСҚАРОВА

ЭЙ, ҲАЁТ!

Бир ҳаёт истадим, гул-гулгун ҳаёт,
Етмиш минг жилоли кўп рангин ҳаёт,
Кел, бир очилайлик, эй ғамгин ҳаёт,
Мен ахир бағрингга гул бўлиб келдим.

Қайгулар юзига эшик ёпдим: “қарс!”
Шодон раҳсга тушдим, ғамга қасдма-қасд.
Руҳим майхоналар ичра маст-аласт,
Ишқ деган пиригла қул бўлиб келдим.

Бошимни боғлаган ул бебош қани?
Ҳеч ёрлик қилмаган бағритош қани,
Энди кўролмасин мендан бошкани,
Қўзларига тортинг, мил бўлиб келдим.

Қуч мени, нафасинг сезай ман ҳаёт,
Бағринг жаннат эмиш, кезай ман ҳаёт,
Бездирсанг ҳам сени безайман ҳаёт,
Бу дилсиз дунёга дил бўлиб келдим!

Мангу сўлмайдиган гул бўлиб келдим!

МЕНСИЗ

Менсиз ҳам ҳаётинг чиройли эди,
Мен билан бўлди у яна чиройли
Ва яна менсизсан,
лекин барибир,
Кунларинг күёшли, тунларинг ойли.

Мен сенсиз баҳтларнинг исмин унундим,
Сенсизлик...
тоабад зулматдир тақдир.
Не учун менсиз ҳам яшнайверасан,
Нега менсиз баҳтсиз эмассан ахир?

Сенсизлик... қалбимни кетмиш пиочқлаб,
О, сенинг куйларинг ҳамон авжидা.
Мен сенсиз Ҳудодан кетдим узоқлаб,
Сен эса Ҳудога якисан жуда.

ХИКОЯ



Кўчкор НОРҚОБИЛ

Қисм ошхонасида кечки овқатга хафсаласиз кўз урдик. Иштахага ит теккан. Сабаби, тонг саҳар жангта кетишимиз хакида бўйруқ бор. Қаेरга боришимиз номаълум; сир тутишмоқда. Бундай имижим тайёргарлиқдан сезиш мумкинки, Чорикор ё Панжшерга йўл олсан керад. У ёклардан тирик қайтиш даргумон, ажалнинг уяси, Ҳудо қарғаган жой. Дўзахнинг дарвозаси очилгани ўз...

Столимиз атрофида асосан ўзбеклар жам бўлганди. Емақдан сунг ошпазимиз дуо қилди:

– Омийн! Қайтиш келганларнинг овқатим етмай қолсин...

Айни тоб тепамида сиёсий тарғиботчи зобит ҳозир бўлди. Аскарнинг гап-сўзи тутул халдилидаги ўй билан ҳам қизиқувчи бу исковични жинимиз сўймасди.

– Фалончиев! Ҳозир нима дединг?

Қани таржима қўл-чи?

Ошпаз жим. Бошқалар ҳам. Биламан,

зобит тирноқ остидан кир топиб ундан бомба ё мина ясайди.

У кинояли илжайди:

– Сен дуо қўидинг. Шуни менга таржи-ма қилиб бер, тамом!

– Кейининг гал овқатимиз етмай қолсин, дёяпти. Бунинг нимаси ёмон, – икиграндим.

– Аҳмоқ! Совет армияси ҳар жихатдан қудратли. Бизда озиқ-овқат етари. Сен-ларнинг миянг бузилган...

Асабим зир қаҳшади. Оғзимга келган гапни қайтармадим:

– Калтафаҳмсан! – дедим сенсира.

Юзига тик бўйдим. Жагини очса, кулоқ чаккасида қаҳмоқ қаҳдирадиган вакоҳатни кўриб эсанкиради. Тўғри-да, эртага урушга чиққандан кўра гаутишта, яъни, аскарқамоқда ётганим яхширок, нари борса бир ҳафтадан сўнг қўйворишиади...

Зобит нимадир деб ғўлдиради-да, ошхонадан отилиб чиқиб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, яна бизни саф бозонида қарғаган жанг... Қисм командири ҳар




ШАМАЙГА БОРГАН ОТАБЕК

Бошланиши 1-саҳифада.

"Манас"га хужум бўлганида Мухтор Аvezov жонини ўртага кўйид: "Қирғиз ҳалқининг хаётидан "Манас" юлиб олинса, бутун ҳалқнинг тилини кесиб олган бўламиз", деган гениал фикрни айтади. "Манас"ни авайлаб-асрашда, сақлаб қолиша Мухтор Аvezов чин жонкага зиёлига хос бебаҳо тарихий хизмат қўйди.

XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида собиқ Иттифоқ тепасида ўтирган миллатпарварлар котили вафотидан кейин Абдулла Қодирийнинг оқланишида қайсири мавънода Мухтор Аvezovning ўз вактида билдирган маслаҳати ҳал қилувчи туртки бўлган. Бу тўғрида ўзбек адабиётининг атоқи назариётчиси Иззат Султон ёзди: "Абдулла Қодирийни оқлаш масаласини биринчи бўлиб Москвада Мухтор Аvezov кўтарган эди". Ўзаро сухбатда Аvezov бу ишни нимадан бошлаш ҳақида яхши маслаҳат берган: "Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар" романиди Россияянинг Шарққа нисбатан прогрессив роль ўйнаганини биринчи бўлиб кўрсатди: Отабекнинг Шамайга саёҳати ҳақидаги ҳикоясида бу фикр яхши ифода этилган. Қодирийни реабилитация қилиш учун ҳаракат бошланг ва мана шуни дастак қилиб олинг".

Бу гаплар айтилган маҳалда Россиянинг Шарққа нисбатан икобий роли ҳар жihatдан бўртириб кўрсатилир эди. Шу сабабли реабилитациянинг икобий натижаси учун ишни Қодирийнинг хизматини намойиш этишдан бошлаш айни мурakkab шароитда миссиянинг муваффакиятини таъминловчи фактор бўлиб қолди. Мухтор Аvezov ўзига устоз деб билган адаб қисмати учун қайгуриши, унинг номи ва асарларини оқлаш борасида куйиниб ўйл кўрсатиши, жонбозлиги ва жасорати асло унунтилмасди.



рини оқлаш борасида куйиниб ўйл кўрсатиши, жонбозлиги ва жасорати асло унунтилмасди.

Айтганча, Чингиз оға билан Мухтор Шохоновнинг ўюрида тилга олинган китобида яна бир дикката сазовор эпизод бор. Мухтор Шохонов ёшлик, йигитлик палласида Мухтор Аvezovга ҳавасланиб қараганини эслайди: "Қандай гапиради, қандай юради – ҳаммаси диккатимизни тортади. У хурсанд бўлиб кетган чоғларида бурнининг учини чимдib-чимдib қўярди". Адабнинг индивидуал табииатига хос бир одати шунака экан-да. Мухтор оға яна эслайди: "Эсимда, Чимкент педагогика институтида сиртдан таҳсил олиб юрган вақтимда Оиди Ермекбев деган ўқитувчимиз бўларди. Ажабланадиган жойи шундаки, у Мухтор Аvezovнинг "Абай йўли" эпопеясини бощдан охиригача ёддан биларди".

Бу жуда муҳим бир хотира ва факт.



Илм излаб, Европа, Истанбул, Кохира ва Ҳиндистон каби маданият марказларига боришдан чўчимаслик керак. Илм диннинг душмани эмас, аксинча, унинг мустахкам таянчи бўлиши лозим.

Абдулла АВЛОНИЙ

Чунки Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" романни ёзилган паллада уни давра-давра бўлиб одамлар навбат-ма-навбат тун узоғи ўқишиди, айни дамда адаб замондошлари орасида романни ёд олганлари ҳам бор эди. "Ўткан кунлар" билан "Абай йўли" романлари тарихида бундай ибратли ва ойдин саҳифалар кўп, албатта. Қолаверса, ўзбек ва қозоклар янги туғилган чақалоқларига роман қаҳрамонларининг исмларини кўйилшилари ҳам Абдулла Қодирий ва Мухтор Аvezovга бўлган эҳтиром рамзи ўларок қараш ўринлидир.



Баҳодир КАРИМ,
профессор

Ўзбек романининг майдонга келишида Абдулла Қодирий жуда муҳим тарихий миссияни бажарди. "Ўткан кунлар", "Мехробдан чеён"дек мұхтاشам тарихий романлари орқали ўзбеклар тарихини, урғ-одатларини, ижтимоий ва оиласывий мұхитини тасвирлади. Менинг тасаввурим бўйича, қозок адабиётидаги тарихида, ҳусусан, қозок адабиётидаги тарихий роман жанри тараққиётida, қозоқлар ҳаётининг комусий манзараларини намоён этишда Абай Кўнонбой ўғли ҳаёт йўлини восита қўларок худди шундай тарихий миссияни мутафаккир санъаткор адабиётини ўзлабирди.

Этибор берилса, ҳар икки адаб ва уларнинг қаҳрамонлари ҳам янгиликка интилди. Тохир ўларок дунё кезган, Семипалатинска тијорат ишлари билан борган "Ўткан кунлар" романи қаҳрамони Отабек қайсири мавънода ижтимоий-сиёсий, маъмурый мұхитдаги янгилинишлар тарафдори эди. Отабек бир ўринда мажлис ахлига Шамай (Семипалатинск) таассуротларини сўзлаб беради: "Шамайда эканман, қонотим бўлса, ватанга учсан.... Шамайда ўйлаганларим, ошиқанларим ишин бир бир эмиши... Дарҳақиқат, мозористонда "ҳайя алалфалах" хитобини ким эшиштар эди".

Бунда киёс ва ҳавас бор. "Ўткан кунлар" романини инглиз тилига ўтирган америкалик таржимон Марк Риз бу образ ҳақидаги ўз тасаввурини: "Аниқи, Отабек – жадид... Отабек – бу Абдулла Қодирий ва унинг дунёга муносабати", деб беён қелади.

Абдулла Қодирийнинг дунёга муносабатида жадидона кайфият мұхассаси эди. Таассуфки, янгилик тарафдори бўлган Отабекнинг орзу-умидлари ўйхаллигича қолади. Яна бир муҳим муллоҳаза: Отабек тијорат билан борган Шамайда Мухтор Аvezov таваллуд тоғади, ўқида. Бу жой Абайга ҳам бегона эмас... Қаранг, Абдулла Қодирий ҳам ўз қаҳрамонини бежиз ушбу тараққиётда эриштан макондан сафар қўлдирган эмас. Бунда қандайдир сирли, ички ва изолаш қийин бўлган маънавий робиталар бор, деб ўйлайман.

Ўзбек ва қозоқ ҳалқлари узоқ тарихдан то хозирга довур яқин қўшини, қон-қардош, куда-андада бўлиб истиқомат қелади. Иккимиллатнинг тарихи, маданияти, фольклори, адабиётни ўзаро яқин ва гоҳида бирини иккинчисини тўлдириб ҳам келади.

ХХ аср тонготарига назар ташланса, ўзбек жадид адабиётидаги қозоқ жадид адабиётидаги тарафдори ҳам муштарап жиҳатлар борлиги, бадий икодда, ҳусусан, Беҳбудий, Абдулла Авлоний ва Абай ижодидаги ахлоқий концепциялар, шеъриятда Абдулҳамид Чўлпон кўнгли билан Мағжон Жумабойнинг эрк, озодлик, хуррият борасидаги дарду аламлари, мустамлакачилардан кутулиш илинжида ёзган битилклари бири иккинчисини тўлдиради.

Дарҳақиқат, улкан адаблар бисотиди да нафақат битта ҳалқ адабиётни, балки инсоннинг бадий тафаккури, ҳаҷон адабий-маърифий ҳазинасига бебаҳо ёмби-жавоҳир ўлароқ қўшилладиган асарлар, фикрлар, ҳикматлар бўллади. Шунинг баробарида ҳамма замонларда миллат алломаларининг маърифатлаб ўқувчилар эҳтиборини оҳан-рабодең ўзига тортиб турадиган гўзал инсоний фазилатларида бўллади. Бундай адабий шахсиятларнинг ҳаётини, икоди ҳам ибратга муносаби, албатта.

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Мулла Гайбулла Дадамуҳаммедов – (1986–1931) Туркистондаги тараққиётпарварлардан, "Миллий итиҳод" ташкилоти аъзоси. Наманганда 1929 йил 11 апрелда қамоқча олинган ва Мунаввар кори иши юзасидан Москвада 45 ёшида 1931 йил 23 апрелда отиб ўлдирилган. Мулла Гайбулла Дадамуҳаммедов ўлимидан сунг 1989 йил 20 апрелда оқланган.

Саид Ахорорий (Муҳаммад Саид Абдурашиддўҳа Ахорорий) – 1895 йилда таваллуд топган. У Туркистондаги тараққиётпарварлардан бири эди. "Миллий итиҳод" ташкилоти аъзоси, публицист ва адаб бўлган. Туркистон руслар томонидан босиб олингач, асли ўхандик бўлган ота-онаси аввал Маккага, сўнгра Истанбулга кўчб ғорлан. Саид Ахорорий шахрида туғилган. Истанбулда таҳсил олган. Уша ерда Исмоилбек Фасрапли ва Махмуддўҳа Беҳбудий билан учрашган.

Биринчи жаҳон урушида турклар томонида туриб қатнашган ва русларга асир тушган. Февраль инқилобидан кейин асирликдан қочиб, Тошкентга келган ва мактабларда дарс берган. "Түрк сўзи" газетаси мухаррири (1917). БХСР тузилгач, Бухоро давлат нашриёти раҳбари, "Озод Бухоро" газетаси мухаррири (1923), БХСРнинг Озарбайжондаги элчиси, Самарқандаги молия иқтисадиёт тархини ўқитувчи бўлғи ишлаган.

"Миллий итиҳод" ташкилотига аъзоликда айбланиб, 1930 йил 12 нообрда қамоқча олинган ва Мунаввар кори иши юзасидан Москвада 36 ёшида 1931 йили 23 апрелда отиб ўлдирилган. Саид Ахорорий ўлимидан сунг оқланган.

Муҳаммаджон Шарифов – 1893 йили Бухоро шахрида туғилган. Миллати ўзбек. 1935 йили НКВД органлари томонидан ҳибга олинган. РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси билан айбланиб, ақсилинқолбий миллатчи "Миллий итиҳод" ташкилоти аъзоси бўлгани учун 1938 йили 3 февралда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1938 йили 7 февралда икро этилган. Орадан йиллар ўтиб, 1973 йил 6 декабрда Муҳаммаджон Шарифов ишида жиноят таркиби ўқитиги туфайли реабилитация қилинган.

Асака Исаев – 1909 йили туғилган. Миллати ўзбек. Махаллий зиёлларининг ўқишиши вакилларидан бўлган. Ўрта мактабда қонтилди. Асака Исаев 1937 йил 7 февралда ҳибга олинни, РСФСР Жиноят кодексининг 58-моддаси билан жиноят тархобарликка тортилган. Миллий ақсилинқолбий ташкилот "Миллий истиқол"га мансублигда айбланиб, меҳнат тузатувла ғарига ҳукм қилинган. 1944 йил 5 январда Татаристон АССР ҳудудидаги қамоқхонада вафот этган. У 1959 йил 28 декабрда реабилитация қилинган.

Найман Қосимхонов – 1898 йили таваллуд топган. Жиззах машина трактор станциясидан сиёсий бўлум бошлиги бўлган. 1919 йилдан 1931 йилгача "Миллий итиҳод", "Миллий истиқол" ва башка ақсилинқолбий ташкилотлар аъзоси бўлган. Унинг ташаббуси билан Шахрисабз, Косонсой ва башқа жойларда ақсилинқолбий гурухлар ташкил этилган. "Ўзбекистон – мустамлака мамлакатида нахтачилик ҳам мустамлака характеристига эга" деганицида айбланиб, сиёсий бўлум бошлиги вазифасидан четпалилган. Ақсилинқолбий саёй-ҳаракатлари боис 1933 йил 12 декабрда 10 йил меҳнат тузатувла ғарига ҳукм этилган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Азизбек МАҲКАМОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Нигорахон АКБАРОВА, музей илмий ходимаси

(Давоми келгуси сонда).



“Э ВОХ”: ҲАСРАТ ЭМАС, ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС



Бошланиши 1-саҳифада.

— Аслида, Эркин Вохидов икоди билан аллақачон ўзига хайкал ўрнатиб кетган, — деди устоз Иброҳим Ғафуров. — Унинг миллий озодлик, истиқол, ўзликинанг шеърияти, публицистик асарлари, мақалалари 90-йилларда миллатни ўйғотиша хизмат қилгани билан гояй қадрлидир.

Халқ ўз қархамонларини унутмайди. Сўнги йилларда улуғ шоир хотирасини эъзозлаш ва бой ижодий меросини ўрганиши бўйича катта ишлар қилинди. Хусусан, Марғилон шахрида ижодкорлар бори бунёд қилиниб, севимли адабиётининг ҳайкали ва музей очилди, шоир номида ижод мактаби ташкил этилди. Пойтахти мизнинг Адиллар хиёбонида у кишига бағишланган муҳташам ёлгорлик қад ростплади.

Ижодий фестиваль ҳам ана шу ээгу ишларнинг узвий да-

воми ҳисобланниб, шоир ижодини ҳалкимиз, хусусан, ёшлилар орасида тарғиб қилишда мухим аҳамият касб этади.

Шоир кўп йиллар олдин Матмуса тилидан ўз дастхати ҳақида шундай ёзган эди:

*У шеър ёзиб бир замон,
Кўп ҳатога ўйл кўйди.
Ўзи бўлпуш пушаймон,
“Э, воҳ” дега кўл кўйди.*

Бугунги омон-омон замонларда эса бу дастхат ҳасрат хўрсими эмас, шоир ижоди муҳлислари тилидан ҳайрат ва ҳавас хитобига айланни Бўstonлик тоғлари узра парвоз айлаб юриди.

— Отажонимизнинг азиз хотирасини ардоқлаш борасидаги эътибори учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз, — деди шоирнинг қизи Фозила Иброҳимова.

Фестиваль доирасида шоирнинг ўлмас шеърлари жаранглади, кўй-кўшиклар янгради. Ижод мактаби ўқувчиликарининг мазмундор чи-

қишилари, “Назм ва наво” дастурни Бўstonликнинг шоирона манзарасига янада файз киригтандай бўлди. Маълумки, файласуф адабимиз ўз таъбири билан айтганда, “Озод Шарафиддинов лигаси”да шатранж сурарди. Анъянага кўра, устоз хотирасига бағишлаб шахмат мусобақаси бўлиб ўтди.

Фестивалда тасвирга олинган лавҳалар ва кўрсатуни “Jadid” газетасининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида таомоша қилишингиз мумкин.

Ўз мухбиримиз.



QR кодни сканер қилининг ва видеолавҳани Youtubeda кўринг.

ТИЛБИЛИМ

Отнинг майкаси – терлик



Отнинг танасидан чиққан терни ўтказмаслик учун эгар яна беллик остидан кўйиладиган қалин намат ёпиничи тилимизда *терги* дейишган. Беллик дегани отнинг белини эгар урмаслиги учун бел чўққисининг иккى ёнбосидан кўйиладиган кигиз мато.

Терги – қадимий сўз. Унинг шеваларда чирги шакли ҳам бор. Лекин “Алломиш” достонининг изоҳи лугати^{да} чирги сўзига терлиқдан кейин от устига ташланадиган ёнпичик деб изоҳ берилган.

Шул замонда солди отнинг устига, зарлию зарбобдан бўлган чиргини.

(“Алломиш”дан)

Махмуд Кошгарида бу сўз *терлик* шаклида келди ва шундай изоҳланади: *терлик* – жазли, эгар остидан кўйиладиган намат. Демак *терги* ёки *терлик* отнинг майкаси экан-да.

Тилимизга рус тилидан кирган эркакларнинг ички кийимини билдирадиган майка сўзининг ўзбеккасини топишга кўйнаплими. Ҳамма бир овоздан майка дейди. Ўзбек тилида бу сўзни исфодалайдиган бирор сўзни топиб беринг десангиз, жавоб олпомайсан. Аслида *терги*, *терлик* сўзлари майка ўрнида бемалол кўлланса бўлади. Чунки майка ҳам бадандаги терни устки кийимларга ўтказмайди. Тўра Нафасов Қашқадарё ҳудудида кўп кўлланадиган *терчиш* сўзига “Бадандаги терни тез шимиб, сўриб оладиган кийим, буюм” деб изоҳ берган. Терчиш ҳам майканинг ўзгинаси эмасми?

Эшқобил ШУКУР

ДИККАТ, ТАНЛОВ!

“Jadid” газетаси таҳририяти Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида мактаб ўқувчилари орасида Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат туйғулари тараннум этилган, шунингдек, маърифатпарвар жадидларнинг ибратли фаолиятини мустақил таҳлил ва талқин қилишга бағишиланган

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Шу кунларда тухумбарак географик кўрсаткич сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган расмий саҳифаларда эълон қилинди. Бир қарашда кувончли ва одатий ҳолат. Аммо бир гурӯҳ зиёлилар ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари жараёнда кўпол хатога йўл кўйилганини таъқидламоқда. Чунки Адлия вазирлиги патентлаган таомонинг номи тухумбарак эмас, юмуртабарак бўлади. Уларнинг фарқи ва ўхшалиги нимада?



Хато ёзмасинлар ўзингникилар!

Мен диккатингизни Богот тумани Қипчоқ қўйилогида яшови Шохида Курбонованинг фикрига қаратмоқчиман:

— Бошқа ҳудудларни кўя турдайлик, ҳамто, ҳоразмлик ёшлар ҳам тухумбарак билан юмуртабаракнинг фарқига бормаяпти, — деб ташвиш чекпти опа. — Тухумбарак азалдан қовун уруғидан тайёрланиб, ўйла бир-иккى марта ишкузилди пайтида ейилган. Айнукса, тиббий хусусиятлари учун янги келин-кўёвларга тавсия этилади. Уни таъёрлаш учун қовун уруғи яхшилаб ювилгач, текис саҳнада куртилади. Кейин келида түйшилб, элакдан ўтқазилади. Баъзилар таомга түйилган кунжут, ўрик магзи ҳам кўшади.

Юмуртабарак эса товук тухуми кўшиб пишилладиган ҳамир овқат. Мана шу овқат машҳур.

Фейсбуқдошимиз ёзувчи Саломат Вағонинг пости ҳам мавзу моҳиятига яқинлаштиради бизни:

— Ижтимоий тармоқларда иккى-уч кундан бери Хоразмине юмуртабаракни ҳақида гап-сўз кузатилмоқда. Уни “тухумбарак” деб тан олишган эмиш. Юмуртабарак Хоразмда ҳеч качон “тухумбарак” деб айттилашади. Ҳозир Тошкентдаги кафеларда менюларга ҳатолик билан “тухумбарак” деб ёзилади.

“Тухумбарак” деган атама – “юмуртабарак” сўзида алмаштирилиши керак. Шунда киладиган амалларимиз тарихий ҳақиқатга тўйғури бўлади”.

Вазирликдаги рўйхатда олувчилар-у, ресторон таомномаси тузувчилар нега бу иккى хил таомни алмаштириб юборди?

Чунки Куйи Амударё миңтақасида ўсимлик уруғига “тухум” дейилади, уруғига олинган хосилга эса “тухумлиқ”. Алишер Навоий ҳам “Тухум ерга кириб чечак бўлди”

сатрида лола тухумини, яъни уруғини назарда туғтан ёди.

Ҳазратнинг “Тарихи мулки ажам” асарида эса “юмурта” ҳақида ҳам сўз кетади: “Олтундинким минг гаҳар била мукаллал қилиб эрдиларким, ҳар бури чумчук юмурткасича...”

Демак, Ҳоразмда ўсимлик уруғининг тухум, куш тухумининг юмурта деб аталишига тарихий далиллар бор. Умуман олганда, куш тухумининг “юмуртқа” ёки “юмурта” дейилиши туркӣ ҳалқларга хос. Ҳозир ҳам бу сўз кораалпокларда “жумуртқа”; туркман, турк, озарбайжон ёки ёзилкнинг ўғиз лаҳжасида “юмуртка” шаклида кўлланилади.

Аслида “юмурта”, “юмуртқа” юмалоқ дегани. “Барак” деб юпқа қилиб ёйилган нарса-га айтилади. “Варак”, “Баргак”, “барак” каби сўзлар замирида ҳам “юпқа” маъноси ётади.

Катта авлод биладики, юмурта сўзи 25-30 йил олдин ҳам кенг истемолда эди. Кейинги йилларда унинг ўрнини адабий тилдаги “тухум” сўзи эгаллай бошлади. Бу холат оғзаки нутқдан ёзма нутқга ҳам ўта бошлади. Бу таомлар номланишига ҳам таъсир ўтказди. Оқиблар, юмуртабарак бир юмалаб тухумбаракка айланаб қолди. Масъуллар эса ишга юзаки ёндашиб юмуртабаракни тухумбарак деб ёзилади.

Агар бу хатога ЮНЕСКО ёки бошқа ҳалқаро ташкилотлар, чет эл идоралари йўл кўйганда “Ҳа энди билмалти, мурожат қилиб тузаттирамиз”, дердик. Лекин... Бу холатдан кейин Ҳалима Худойбердиевнинг сатри ёдга тушди:

Хар ҳарф юрагингни тешиб ўтгайдир,
Хато ёзмасинлар ўзингникилар.

Эрпўлат БАХТ
Фейсбуқ



Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЎУЧИЛЛАР ҮЧУШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАҶИРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош мұхаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи мұхаррир:
Акмал Жумамуродов

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муалиф фикри таҳририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Таҳририятга юборилган мақолалар муалифа қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 ракам
билан рўйхатта олинган.

Адади – 19 655
Шундан:
Кирил ёзувида – 7 942
Лотин ёзувида – 11 713
Медиа кузатувчилар – 45 108
Буюртма: Г – 639
Ҳажми: 4 босма табоб, А2.
Наур кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани,
Навоий кўчаси, 69-й

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetas@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбাব
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Босишига топшириш вақти: 21:00
Босишига топширилди: 21:00
Сотудва нархи эркин.



“ЖАДИД БОБОМГА МАКТУБ”

ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БАҲОЛАШ:

Танловга тақдим этилган иншолар ҳақамлар хайъати томонидан 100 балллик тизим бўйича

кўйидаги мезонлар асосида баҳоланади:
мазмун-мантими, миллий қадрият ва

анъаналарга мослиги, жадидлар мероси

ҳақида тасаввур даражаси ва бадиий ифодаси – 30 балл;

ижодий ёндашиб ва ўзига хослик – 20 балл